

мерос ўғил ва қизларга тенг бўлинадими?

15:11 / 26.04.2016 5401

Ота ва онанинг ўлимидан сўнг, агар улар тақсимламаган бўлсалар, мерос ўғил ва қизларга тенг бўлинадими?

Ота ва она тирик вақтида тақсимланган нарса мерос бўлмайди. Балки ҳадия ҳисобида, хида ҳисобида бўлади. Мерос бир киши ўлганидан кейин ортидан қолган мулк ва шу мерос бўлади. Меросни тақсимлашда ўғил қизларни ҳаққи орасида фарқ бор, бир ўғилга икки қизни ҳаққи берилади, Қуръони каримда буни "ҳар бир эркакка икки аёлнинг хиссасича мерос берилади". Бу ерда шариат Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло буюк бир адолатни ўрнатган. Исломгача бўлган даврда ва ҳозир ҳам кўпчилик юртларда қизларга мерос бериш мутлақо йўқ бўлган. Исломда аёл шахсини улуғлаш борасида уларга мерос беришда ҳам жорий қилинган. Лекин, мерос беришда адолат бўлишини юзасидан гапирилган. Ота-онани тириклик вақтида боқиш, уларга қараш, уларнинг хизматининг қилиш, ўлганларида кўмиш, бошқа сарф-ҳаражатларини қилиш ҳамма-ҳаммаси ўғилга юкланади. Шу билан бирга ўғил уй тутиш маъносида, уйланганда маҳр бериш, тўй қилиш, уни нафақасини бериш маъносидаги масъулиятларга ҳам жавобгар шахс ҳисобланади. Шу жумладан, опаси, сингисини ҳожат тушганда боқиш, кийинтириш, нафақа билан таъминлаш ҳам ўша ўғилнинг вазифаси ҳисобланади. Энди аёл киши, опа-сингил ўтган одамни, ота-онанингни қизичи, у қизлик пайтида отасининг қарамоғида бўлади. Турмушга чиққандан кейин барча сарф-ҳаражати эрининг зиммасида бўлади. Ва турмушга чиқаётган пайтидан маҳр олади, тўй, ҳадялар, совғалар олади. Ундан кейин ҳам ҳеч қандай сарф-ҳаражат қилиш масъулияти уларда йўқ. Ана шу маъноларни эътиборга олиб бизни шариатимизда ота-онадан кейин қолган ўғил қизларга мерос тақсимлашда бир ўғилга икки қизнинг хиссаси бериш жорий қилинган.